

А Ж Р И М

(Ярашилганлиги муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2023 йил декабрь ойининг 13 куни, Андижон шаҳар, Ўзбекистон МФЙ маъмурий биносида бўлиб, очиқ-саёр суд мажлисида, раислик қилувчи жиноят ишлари бўйича Андижон шаҳар судининг судьяси М.Турдиева, судья ёрдамчиси Х.Жалиловнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Андижон шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Ш.Адашев, гумонланувчи Ш.К ва унинг ҳимоячиси - адвокат О.Р, жабрланувчининг қонуний вакил А.М, жабрланувчилар Р.И ҳамда К.К ва фуқаровий даъвогар А.Ининг иштирокида,

К.Ш.А(К.Sh.A) 1990 йил 7 январда Андижон шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, маълумоти олий, оилали 4 нафар вояга етмаган фарзанди бор, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, муқаддам судланмаган, уй бекаси, Андижон шаҳар, Шўрбулоқ МФЙ, Шўрбулоқ кўчаси 1-уйда яшайди,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан гумонланувчи Болтабоев Муроджон Абдумуталибовичга оид № 1-1701-2304/949-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Дастлабки тергов ҳужжатларига кўра, Ш.К 2023 йил 2 октябрь куни соат 14:00 ларда бошқарувидаги давлат белгиси бўлган 01 D 338 НВ “Спарк” русумли автомашинасини Андижон шаҳар, Навоийшоҳ кўчаси бўйлаб, Эски шаҳар томондан, Дукчи Эшон кўчаси томон бошқариб кетаётган амалдаги “Йўл ҳаракати қоидалари”нинг 11-бандининг “д” кичик бандида «Транспорт воситасининг хайдовчиси йўловчиларни қуйидагилар ҳақида огоҳлантиришга мажбур: транспорт воситаси ҳаракатланишни бошлашидан олдин хавфсизлик камарларини тақиш, мотоцикл ва мопедда ҳаракатланаётганда эса махсус мотошлем кийишлари ва уни қадаб олишлари зарурлиги» деб кўрсатилган, 53-бандида «Ҳайдовчи ҳаракатланишни бошлаш, йўналишни ўзгартириш (қайта тизилиш, бурилиш, қайрилиб олиш, қувиб ўтиш ва айланиб ўтиш) ва тўхташдан олдин бажарилаётган манёвр хавфсиз эканлигига ва бошқа ҳаракат қатнашчиларига халақит бермаслигига ишонч ҳосил қилиши керак» деб кўрсатилган, 73-бандида «Ҳайдовчи ўзидан олдин ҳаракатланаётган транспорт воситаси кескин тормоз берганида тўқнашиб кетмаслик кафолатини берадиган даражада оралиқ



масофани, шунингдек йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлайдиган ёнланма оралиқ масофани сақлаши керак» деб кўрсатилган, 77.3-бандида «ҳайдовчи ҳаракатнинг серқатновлигини, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ҳамда ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишини ҳисобга олган ҳолда транспорт воситасини белгиланган чекланган тезликдан оширмасдан бошқариши, транспорт воситасининг тезлиги ҳайдовчига қоидалар талабларини бажариш учун унинг ҳаракатини доимо назорат қилиб бориш имкониятини бериш, аниқлай олиши имкониятида бўлган хавф ёки тўсиқ пайдо бўлса, у транспорт воситасининг тезлигини тўла тўхтатишни таъминлайдиган даражада камайтириши ёки тўсиқни бошқа ҳаракат қатнашувчилари учун ҳавфсиз айланиб ўтиш чораларини кўриши керак» деб кўрсатилган талабларини бузиб, ушбу қоидаларга амал қилмасдан, автомашинани бошқариш чоғида эҳтиётсизлик ва бепарволикка йўл қўйиб, бошқарувни йўқотиб, ўзига нисбатан олд томонда, светафор билан тартибга солинган чорраҳада светафорнинг қизил чироғида тўхтаб турган фуқаро Иминов Азимжон Махмудовичнинг бошқарувидаги “Дамас” русумли 60 А 651 ХА бўлган автомашинасининг орқа қисмига келиб урилиб, натижада иш бўйича ўтказилган суд-тиббий экспертизасининг 10.10.2023 йил кунги №7286-сонли хулосасига кўра, “Спарк” русумли 01 D 338 НВ давлат белгилли автомашинанинг олд йўловчи ўриндиғида кетаётган Курбанова Кимматхонни “ўнг қўл 5-кафт суяги бошчасини ёпиқ парчаланиб, силжиб синиши” каби соғлиқнинг бузилиш мезонига кўра “ўртача оғир” тан жароҳати олишига, суд-тиббий экспертизасининг 10.10.2023 йил кунги №7288-сонли хулосасига кўра, “Спарк” русумли 01 D 338 НВ давлат белгилли автомашинанинг орқа йўловчи ўриндиғида кетаётган Исмаилова Раънони “ўнг елка суягини ўрта учлигидан ёпиқ қийшиқ, силжиб синиши” каби соғлиқнинг бузилиш мезонига кўра “оғир” тан жароҳати олишига, суд-тиббий экспертизасининг 10.10.2023 йил кунги №7282-сонли хулосасига кўра, “Дамас” русумли 60А651ХА давлат белгилли автомашинанинг олд йўловчи ўриндиғида кетаётган вояга етмаган А.М.Ани “бош мия ёпиқ шикасти, бош мия чайқалиши” каби соғлиқнинг қисқа муддатга бузилиш олиб келган енгил тан жароҳати олишига сабабчи бўлган.

Гумонланувчи Ш.К суд мажлисида айбига тўлиқ иқрор эканлиги, қилмишидан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлиги, жабрланувчининг қонуний вакили ва жабрланувчилар ҳамда фуқаровий даъвогарга етказилган зарарларни тўлиқ қоплаб, улар билан бирон-бир тазйиқсиз ярашиб олганлигини билдириб, ўзига нисбатан юритилган жиноят ишини ярашилганлиги муносабати билан тугатишни сўради ва бу ҳақда судга ариза тақдим қилди.



Фуқаровий даъвогар А.И суд мажлисида, гумонланувчи Ш.К билан ўзаро ярашиб олгани, унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, ўзига нисбатан етказилган моддий зарарлар тўлиқ қоплангани, ярашувга ихтиёрий рози бўлиб, ярашув ҳақидаги аризани ўз хоҳиши билан ёзгани, унга бирон-бир тазйиқ бўлмаганини билдириб, ярашув суд томонидан тасдиқланганидан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлигини билдириб, ярашганлик муносабати билан Ш.Кга нисбатан юритилган жиноят ишини тугатишни сўради ва бу ҳақда судга ариза тақдим қилди.

Жабрланувчининг қонуний вакили А.М суд мажлисида, гумонланувчи Ш.К билан ўзаро ярашиб олгани, унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, ўзига нисбатан етказилган моддий зарарлар тўлиқ қоплангани, ҳозирда фарзанди М.Абдуллажоновнинг соғлиғи тўлиқ тиклангани, ярашувга ихтиёрий рози бўлиб, ярашув ҳақидаги аризани ўз хоҳиши билан ёзгани, унга бирон-бир тазйиқ бўлмаганини билдириб, ярашув суд томонидан тасдиқланганидан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлигини билдириб, ярашганлик муносабати билан Ш.Кга нисбатан юритилган жиноят ишини тугатишни сўради ва бу ҳақда судга ариза тақдим қилди.

Жабрланувчи Р.И суд мажлисида, гумонланувчи Ш.К билан ўзаро ярашиб олгани, унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, ўзига нисбатан етказилган моддий зарарлар тўлиқ қоплангани, ҳозирда соғлиғи тўлиқ тиклангани, ярашувга ихтиёрий рози бўлиб, ярашув ҳақидаги аризани ўз хоҳиши билан ёзгани, унга бирон-бир тазйиқ бўлмаганини билдириб, ярашув суд томонидан тасдиқланганидан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлигини билдириб, ярашганлик муносабати билан Ш.Кга нисбатан юритилган жиноят ишини тугатишни сўради ва бу ҳақда судга ариза тақдим қилди.

Жабрланувчи К.К суд мажлисида, гумонланувчи Ш.К билан ўзаро ярашиб олгани, унга нисбатан ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, ўзига нисбатан етказилган моддий зарарлар тўлиқ қоплангани, ҳозирда соғлиғи тўлиқ тиклангани, ярашувга ихтиёрий рози бўлиб, ярашув ҳақидаги аризани ўз хоҳиши билан ёзгани, унга бирон-бир тазйиқ бўлмаганини билдириб, ярашув суд томонидан тасдиқланганидан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунганлигини билдириб, ярашганлик муносабати билан Ш.Кга нисбатан юритилган жиноят ишини тугатишни сўради ва бу ҳақда судга ариза тақдим қилди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига кўра, ЖК 266-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқроп бўлса, жабрланувчи ёки қонуний вакил билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашганлиги



муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Суд, гумонланувчи Ш.К ва фуқаровий даъвогар А.И, жабрланувчининг қонуний вакили А.М, жабрланувчилар Р.И ҳамда К.Клар томонидан тақдим қилинган аризаларни жиноят иши материалларига қўшиб ўрганиб чиқиб, уларнинг ярашувлари ихтиёрий эканлигини, гумонланувчи ўз айбига тўлиқ иқрор ва чин кўнгилдан пушаймонлигини, содир этган қилмишининг оқибатларини англаганлигини, зарарларни тўлиқ қопланганини, ўзаро ярашиб олганини, ярашув даврида ҳеч қандай тазйиқ ўтказилмаганлигини, А.И, А.М, Р.И ва К.К ярашувга рози эканини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2002 йил 25 октябрдаги “Ярашув тўғрисидаги ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида”ги 27-сонли Қарори, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддаси ҳамда ЖПК 84-моддасининг 4-қисмига асосланган ҳолда Ш.Кни жабрланувчилар билан ярашганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод қилиб, жиноят ишини унинг айблилик масаласини хал қилмасдан туриб тугатишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисми, 423, 582, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И :

Ўзбекистон Республикаси ЖК 266-моддасининг 1-қисми билан **К.Ш.А (K.Sh. А)**га нисбатан юритилган жиноят иши ярашилганлиги муносабати билан тугатилсин.

Ажрим устидан йигирма кунлик муддат ичида Андижон вилоят судига апелляция тартибида хусусий шикоят берилиши ёки протест билдиришга ҳақли.

Раислик қилувчи:

М.Турдиева

